КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

# ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ

## РСФСР НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАСИ ЕРЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ҲАРАКАТИ БОШЛАНГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУНГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ. ПАРТИЯ ДАЪВАТИГА БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ ҚЎШИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН МЕЛИОРАТОРЛАРИ ШУ ДАВРДА НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАНИНГ ИВАНОВО, НОВГОРОД, ВЛАДИМИР ОБЛАСТЛАРИДА ЯНГИ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ, БОТҚОҚЛИКЛАРНИ ҚУРИТИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ОБОРОТИГА УНУМДОР ЕРЛАРНИ ҚЎШИШ, ЗАМОНАВИЙ ПОСЁЛКАЛАР БАРПО ЭТИШ СОҲАСИДА КАТТА ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИЛАР.**

**УШБУ САҲИФАДА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАДАГИ КАТТА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.**



Суратда: Иваново область Фурманов районидаги «Ўзбекистон» совхози марказий посёлкасини бунёд этаётган республикамиз вакиллари — 21-колонна пешқадам қурувчиларидан бир гуруҳи. В. БАСКАКОВ фотоси.

## ЕЛКАМА-ЕЛКА

РОССИЯ Федерацияси Владимир области қишлоқларида янги бино ва иншоотлар қад кўтармоқда. Ботқоқликларнинг суви қочирилиб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритиляпти. Бунда Ўзбекистон ирригаторлари вакилларининг муносиб ҳиссаси бор.

Уч йил муқаддам қадимий рус тупроғининг ана шу диёрига республикамиз мелиораторлари катта ниятлар билан қадам қўйдилар. Улар ташландиқ ерларни ўзлаштиришда мардонавор меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Шу йиллар мобайнида область қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришга Ўзбекистон вакиллари қўшган ҳисса нималардан иборат? Уч ярим минг гектардан кўпроқ ерлар деҳқончилик қилишга тайёрлаб берилди. Уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳосил бермоқда. Илгари 17 центнердан ғалла етиштирилган майдонларнинг ҳар гектаридан эндиликда 47 центнердан ҳосил олиняпти. Қурувчилар ва ирригаторлардан 560 оила ҳар жиҳатдан тўкис янги уйларга кўчиб кирдилар.

«Асерховский» совхози марказий қўрғонини айланган киши катта таассуротларга эга бўлади. Замонавий бинолар, равон кўчалар, уларнинг атрофида ястаниб ётган яхлит экин майдонлари — ана шулар яқиндагина барпо этилган. Областда энг йирик ҳисобланган Вержболовка дарёсининг ёнгинасида қурилган сув омбори қўшимча равишда 2 минг гектардан кўпроқ экинзорларни суғориш имконини беради.

Қисқа вақтда катта бунёдкорлик ишлари бажарилди. Шунча ҳажмдаги ишларни адо этишда «Узвладимирводстрой» трестининг ишчи ва мутахассислари ғайрат билан меҳнат қилдилар. Коллектив аъзолари партия белгилаб берган улуғвор программани — Ноқоратупроқ ўлка қишлоқ хўжалигини юксалтириш вазифасини муваффақиятли адо этиш чораларини кўрмоқдалар. Беш йилликнинг тўртинчи йилида Ўзбекистон вакиллари 1,5 минг гектар ботқоқликларнинг сувини қочириб, деҳқончиликка тайёрлаб берадилар. Бундан ташқари 615 гектар ерда суғорма деҳқончилик учун шароит яратилади. Камида 8 минг квадрат метр уй-жой бинолари фойдаланишга топширилади. Қисқаси, бу йил камида 10,5 миллион сўмлик қурилиш ва мелиорациялаш ишлари адо этилади.

Бундай улуғвор вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш лозим. Бу ҳақда трест бошқарувчиси Мурод Пўлатов қуйидагиларни таъкидлайди:

— Аввало, ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам базасини вужудга келтиришимиз зарур. Бу соҳада анчагина ишлар қилинди. Планлар адо этиляпти. Лекин ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам бор. Ноқоратупроқ ўлканинг узоқ жойларидан материаллар ташиб келишга мўлжалдагидан анча кўп маблағ сарфланмоқда. Ана шу харажатларни камайтириш ҳақида ўйлаяпмиз. Темир-бетон буюмлари заводи қурмоқдамиз. Йилига 21 минг кубометр йиғма темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхона яқин кунлар ичида маҳсулот тайёрлаб бера бошлайди.

Уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши билан шуғулланаётган механизациялашган кўчма колонналарнинг ҳар бирида бетон узеллари ташкил қилинади. Улар йил сайин 160 кубометр товар бетони тайёрлаб беради. Ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармаси базасида асфальт ҳамда қум-шағал заводлари барпо қилмоқдамиз. Ёғочни қайта ишлаш ва елимлаш цехлари қурилиши ҳам жадаллаштириб юборилди. Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида белгилаб берилганидек. меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистонликлар ишни шундай ташкил этдиларки, маҳаллий деҳқонлар уларнинг тажрибасига амал қила бошладилар. Трест мутахассислари маҳаллий деҳқонлар билан учрашувларда ернинг намлиги туфайли экиш ишлари 15-20 кун кечикиб кетаётганини билиб олдилар. Гусь Хрустальный районидаги «Память Ленина» колхозида ерни текислаб, нами қочирилган майдонларга экин экиш тажрибаси яхши натижалар берди. 150 гектар ерга себарга ва арпа аралаштириб экилган майдонлардан ўтган йилиёқ гектар ҳисобига 400 центнердан ҳосил кўтарилди. Ноқоратупроқ ўлка шароитида бу — жуда юқори ҳосил. Мелиорация ишлари бошлангунга қадар бу колхоз 300 гектар майдонда деҳқончилик қиларди. Бу йил экин майдонлари 1000 гектарга кенгаяди. Колхоз меҳнат аҳли гўшт етиштиришни икки баравар кўпайтириш мажбуриятини олди. Бу билан Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшиладиган ҳисса салмоғини ошириш мўлжаллаб қўйилди.

Социалистик мусобақа янги имкониятларни ишга солишга ёрдам беряпти. Ўтган йилги мусобақада Андижон ихтисослашган колоннаси ғолиб деб топилди. 1983 йил якунларига кўра колонна Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва республика комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Андижон колоннаси трестдан 180 километр узоқликда — Ляхи посёлкасида жойлашган. Бу коллектив ихтиёрига механика устахонаси ва алоҳида автомобиль колоннаси бериб қўйилди. Зовур қазиш техникасини бир ерга тўплаш механизациялашган катта кучни ташкил этиш имконини берди. Қўшимча майдонларни ўзлаштириш истиқболлари очилди.

Ишчи ва мутахассисларнинг ташаббускорлиги ортиб, меҳнат унумдорлигини кўтариш имконияти туғилди. В. Куприянов бошлиқ участка, А. Дробов, Н. Фазилзянов, М. Шведов бошлиқ экскваторчилар экипажлари, механизатор П. Мардиев меҳнатда энг юқори натижаларга эришмоқдалар. Аввал, экскаватор машинистлари етишмас, натижада зовур қазиш ишлари секин борарди. Янги ўқув комбинатида машинистлар қайта тайёрловдан ўтказилиб, ёш механизаторларнинг маҳорати оширилди. Бригада пудрати усулининг афзалликлари намоён бўла бошлади. Моддий манфаатдорлик яхшиланди. Ҳафталик иш якунларига кўра, энг яхши экипажларга 50 сўмдан пул мукофоти бериш жорий қилинди. Меҳнатта яраша рағбатлантиришнинг бундай омили туфайли сменада аввалги икки километр ўрнига 6 километр, ҳатто 8 километрга ҳам етказиб зовурлар барпо қилиш мумкин бўлди. «Снижини» қишлоғидаги объект шу тариқа пландан ташқари ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилиш учун топширилди. Бу, 250 гектар янги ер муддатидан илгари ўзлаштирилди, демакдир.

Владимир областида 22 миллат вакиллари — руслар ва ўзбеклар, украинлар, ва татарлар, грузинлар ва корейслар елкама-елка туриб ишлаб, Ноқоратупроқ ўлка қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни амалга оширишда шахсий намуна кўрсатмоқдалар.

**Г. ГОРЕЛИК,**
**Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети матбуот марказининг мухбири.**

Владимир области.

# ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

**Ўзбекистондан Ноқоратупроқ ўлкага, жумладан, Новгород областига мелиораторлар отрядлари йўлга чиққани, қудратли техника — экскаваторлар, бульдозерлар, тракторлар, автомобиль кранлари, турли транспорт воситалари, бинокорлик материаллари жўнатила бошлаганлигига 10 йил бўлди. Шу давр мобайнида республикамиз вакиллари Новгород области қишлоқ хўжалигини юксалтиришга қандай ҳисса қўшдилар? Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги матбуот марказининг мухбири И. Любовский Новгородда «Узновгородводстрой» трестининг бошқарувчиси Георгий Владимирович Маградзе билан учрашиб, юртдошларимиз амалга ошираётган ишлар ҳақида «Совет Ўзбекистони» газетхонларига ҳикоя қилиб беришни сўради. Қуйида шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

**— Георгий Владимирович, Ноқоратупроқ ўлканинг Новгород областини ўзлаштиришдаги дастлабки қадамлар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Биринчи бўлиб бу ерга Ўзбекистон вакилларидан 19 киши етиб келди. Уларнинг 11 нафари коммунистлар эди. Худди шу кишилар Шимск районида ташкил қилинган «Тошкент—1» ихтисослашган механизация колоннаси коллективининг қалдирғочлари эдилар. Уларга анча оғир бўлди: қаҳратон қиш, серёмғир баҳор ва инжиқ куз қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтишди. Уй-жой йўқ — далаларда жиҳозланган вагон-уйларда истиқомат қилишга тўғри келди. Ҳамиша бўлганидек, бу сафар ҳам қийинчиликларни бартараф этиш, белгиланган вазифани сидқидилдан бажаришда коммунистлар намуна бўлишди, дастлабки кунлардан бошлабоқ мустаҳкам интизом, фидокорона меҳнат, ўзаро ёрдам, шахсий ибрат кўрсатишди.

Дастлабки отряд кетидан қадимий рус қишлоқларига иккинчи, учинчи ва навбатдаги отрядлар етиб келишди. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бўлинмалари Новгород областига малакали ишчилар, тажрибали инженер ва техникларни командировка қилиб турди. Республикамиз мутахассислари областнинг барча районларини кўриб чиқишди. Маҳаллий партия ва совет органлари билан биргаликда бажарилажак дастлабки ишлар ва истиқболдаги вазифаларни режалаштиришди.

Иш ҳажми кенгайиб борди. 1975 йилда «Узновгородводстрой» трести ташкил топди. Нокоратупроқ ўлка ерларини комплекс равишда мелиорациялашга эришиш учун капитал маблағлардан, мавжуд барча техникадан, ишчи кучларидан мумкин қадар самаралироқ фойдаланиш талаб қилинди. Ўзбекистон сув хўжалиги ташкилотларининг вакиллари дастлабки вақтларданоқ шонли меҳнат намуналарини кўрсатиб, тўпланган бой тажриба ва маҳоратларини астойдил ишга солдилар. Баъзи рақамларни таъкидлаш орқали ўтган йиллар мобайнида трестимиз мелиораторлари Новгород области қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшганликларини айтиб ўтиш мумкин. Шу давр ичида қарийб 29,5 минг гектар ернинг суви қочирилди. Суғоришга тайёрлаб берилган ерлар 2200 гектарни ташкил этди. 24 минг гектар майдонда ерларни маданийлаштириш тадбирлари амалга оширилди. 65,5 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари тикланди. Адо этилган пудрат ишларининг жаъми ҳажми 88,6 миллион сўмликдан ҳам ортиб кетди.

**— Республикамиз вакиллари фаол қатнашаётган объектлар хусусида сўзлаб беролмайсизми?**

— Бу ҳақда гапириш жуда мароқли. Айниқса, «Тошкент» совхози қурилишида кенг кўламдаги ишлар адо этилди. Шуни таъкидлаш керакки, эндиликда бу хўжалик сабзавот ва картошка етиштириб бермоқда, теплица хўжаликлари кенгайтирилмоқда. Ўзбекистонликлар ишлаётган объектлар анчагина. Уларнинг асосийларинигина кўрсатиб ўтмоқчиман. Мелиораторларимиз Шимск районидаги «Прожектор» совхозида 395 гектар ернинг сувини қочириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Солецк районидаги «Родина», «Победа» совхозида ҳам 700 гектардан ортиқ майдонда ботқоқликларни қуритиш юзасидан олинган буюртма муваффақиятли бажариляпти. Волот районидаги «Правда» совхозида 321 гектар, Старорусский районидаги «Рамушево» совхозида қарийб 200 гектар ботқоқлик ерлар тезкорлик билан ўзлаштирилмоқда. Бу йил мелиораторларимиз умумий ҳажми 4200 гектар қуритилган ерлар, 400 гектар суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритадилар. 11 минг квадрат метр уй-жой бинолари, «Тошкент» совхозида мактаб қурилиши тугалланади.

Ўн биринчи беш йиллик тўртинчи йили бошлангандан буён салкам 200 километр узунликдаги зовурлар барпо этдик. Бу, топшириқда белгиланганидан анча ортиқ. Бундан ташқари далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда колхоз-совхозларга катта амалий ёрдам кўрсатилди.

**— Сиз раҳбарлик қилаётган коллектив йил сайин юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришаётганлигининг омиллари ҳақида нималарни таъкидлашингиз мумкин?**

— Бу саволга бир сўз билан муфассал жавоб бериб бўлмайди. Дастлаб шуни айтиш керакки, мелиораторларимизнинг юксак онглилиги, топширилган ишга виждонан муносабатда бўлаётганликлари муваффақиятларимизнинг асосий омили бўлмоқда. Меҳнаткашларнинг юксак активлигини таъминлаш, план топшириқларининг муддатидан илгари ошириб адо этилиши, ишлаб чиқаришдаги янги резервларни излаб топиш, техникавий имкониятлардан самарали фойдаланишга меҳнаткашлар коллективларини сафарбар этишда социалистик мусобақа беқиёс роль ўйнамоқда. Беш йиллик бошланганидан буён трест ва унинг бўлинмалари ходимлари томонидан 20 дан ортиқ рационализаторлик таклифлари тушди. Уларнинг йиллик умумий иқтисодий самараси 200 минг сўмдан кўпроқ. «Тошкент-6», «Тошкент-2» ихтисослашган механизация кўчма колонналари коллективлари мусобақада олдинги сафда бормоқдалар.

Ерларни мелиорациялаш суръатларини оширишда меҳнатни бригада пудрати усулида ташкил қилиш ажойиб самаралар беряпти. Ўтган йили ўз кучимиз билан бажарилган ишларнинг деярли ярми бригада пудрати усулида ишлаётган бригадалар коллективлари ёрдами билан адо этилганлигини таъкидлаб ўтиш керак. 76 та бинокорлик бригадасининг 53 таси хўжалик ҳисобида ишлашга кўчирилди. Уларда ҳар бир кишининг бажарган иши одатдагига қараганда 225 сўм юқори бўлди.

Пешқадамлар сафи кенгайиб бормоқда. «Тошкент-9» колоннасининг бульдозерчиси Д. Китобов «Тошкент» совхози қурилишида фаол иштирок этиб, смена топшириқларини 300 процентдан бажармоқда. Автотранспорт корхонасининг ҳайдовчиси Р. Каримов смена нормасини 190—195 процент адо этмоқда. «Тошкент-2» колоннасининг экскаваторчиси С. Мамутов кунлик нормани бир ярим ҳисса бажармоқда. «Тошкент-4» колоннасининг И. Иванов раҳбарлик қилаётган бригадаси уч йил мобайнида 150 ўрнига 257 километрдан ҳам кўпроқ масофада зовурлар барпо этишнинг уддасидан чиқди. Шуниси қувончлики, трестимиз бўлинмаларида бундай пешқадамлар издошлари кўпайиб боряпти.

**— Ўзбекистон мелиораторлари олдида қандай долзарб вазифалар турибди?**

— Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларига мувофиқ, Новгород областида ғалла, гўшт ва сут етиштириш қарийб 1,5 баравар оширилиши зарур. Бу биз, мелиораторлар учун ҳам ниҳоятда масъулиятли, шу билан бирга жуда шарафли топшириқ. Беш йиллик охиригача 21,7 минг гектар ботқоқликларни қуритишимиз, 2,5 минг гектар ҳайдаладиган ерларни суғоришга тайёрлаб беришимиз, 6 минг гектар майдондаги ерларни маданийлаштириш тадбирларини амалга оширишимиз долзарб вазифа бўлиб турибди. Бундан ташқари 35 минг квадрат метр уй-жой қуришимиз, қатор саноат ва граждан қурилиши объектларини тиклашимиз керак.

Ҳозир амалга оширилган ишлар, тўпланган тажриба шундан далолат бериб турибдики, партия белгилаб берган вазифалар бундан буён ҳам муваффақиятли адо этилаверади. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган куннинг 60 йиллигини улкан меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун мусобақа яхши натижалар бермоқда.

## МЕҲНАТ — ҚУВОНЧ

**Бунёдкорлик меҳнати қувонч келтириши бизга яхши маълум. Баракали, самарали меҳнатдан қониқиш ҳосил қилган кишиларнинг иши доим юришиб кетаверади.**

**Шу сабабли трестимиз касаба союз ташкилоти ишчи ҳамда мутахассисларнинг дам олишини кўнгилли ўтказишга қаратилган кўпгина тадбирларни амалга оширяпти. Бу эса меҳнаткашлар коллективларини план ва мажбуриятларни шараф билан бажаришга рағбатлантирмоқда.**

**Дам олишни кўнгилли ўтказишнинг турли формаларидан кенг фойдаланилмоқда. «Ладога» ва «Улибишево» дам олиш базаларида бир кунлик ҳордиқ чиқариш яхши натижалар бермоқда. Ўтган йили бу туристик базаларда 600 киши ҳордиқ чиқарди. «Дам олиш кунлари» маршрутлари бўйлаб саёҳатларга чиқиш одат тусига кирди. Ленинград, Москва, Киев шаҳарларига уюштирилган сафарлар, айниқса кўнгилли ўтмоқда.**

**Ишлаб чиқариш ғолибларини рағбатлантириш мақсадида ўн кунлик бепул йўлланмалар бериш тартиби жорий қилинди.**

**Бу йил коллективимиз олдида катта вазифалар турибди. Кўрсатилаётган ғамхўрликлардан баҳраманд бўлаётган ишчи ва мутахассислар зиммаларидаги вазифаларни адо этишда ғайрат-шижоат намуналарини кўрсатаётирлар.**

**М. МАМЕДОВ,**
**«Узвладимирводстрой» трестининг Наманган колоннаси мастери.**

## ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Илгари Тошкентда ишлаган Убайдулла Тожихўжаев корхонамизга директор бўлиб келгач, катта ўзгаришлар юз берди. Янги директор ишни ҳайдовчилар ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлашдан бошлади. Илғор иш усулларига кенг йўл очиб берди.

Бригада пудрати ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мўъжизакор усули бўлиб қолдики, бунга амал қилган коллективлар топшириқларни зиёда бажарибгина қолмай, моддий манфаатдорликлари ортиб, машина-ускуналардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам кўтариляпти. Бу усул дастлаб бизнинг бригадада жорий этилди.

Бригадамизда 10 ҳайдовчи, экскаватор машинисти, бульдозерчи ва слесарь меҳнат қилади. Янги усулда ишлашга ўтишимиздан аввал, у ёки бу механизм ишдан чиқиб қолгудек бўлса, уни созлагунча кўп қийинчиликларга дуч келардик. Эндиликда бу ҳақда бригада аъзоларининг ўзлари қайғуришадиган бўлиб қолишди. Машинанинг бекор туриши бефойда эканлигини барча тушуниб олди. Қурилиш ташкилоти билан ўзаро тузилган шартномалар бажарилмаса, моддий манфаатдорликка зарар етиши аён бўлиб қолди.

Бир сўз билан айтганда, бригаданинг планни бажаришига барча дахлдор. Дахлдорлик туйғуси бригада аъзолари активлигини ошириб, топширилган ишнинг муддатидан илгари ва сифатли бажарилишига сафарбар этадиган омил даражасига кўтарилди. Яна икки бригада пудрат усулида ишлашга ўтказилди. Улар ҳам топшириқларни зиёда бажарадиган бўлиб қолишди. Бугунги кунда автобазамиздаги 14 бригаданинг қолганларини ҳам пудрат усулида ишлашга кўчиришга тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди.

Бригада пудрати усулининг жорий этилиши қурилиш ишлари бошқармаси олдида турган мураккаб вазифаларни ҳал этишда самарали ёрдам кўрсатмоқда. Автомобилчилар материалларни объектларга вақтида етказиб бериш, техника хизмати кўрсатишда қурувчиларга, мелиораторларга яқиндан мадад кўрсатмоқдалар.

**М. БОБРОВ,**
**«Узпарфиноводстрой» қурилиш ишлари бошқармаси автобазасининг бригадири.**

Новгород область Парфино райони.

# ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

**Орамизда оқибатли кишилар кўп. Бундай кишилар билан оилалар иноқ, кўнгиллар шодон, юрт обод... Биргина мисол: Россия Федерациясининг айрим областларида қишлоқ хўжалиги анча мураккаб аҳволга тушиб қолганда, бутун мамлакат, жумладан Ўзбекистон ишчилари-мутахассислари Ноқоратупроқ ўлка деҳқончилигини кўтаришга ҳисса қўшмоқ учун бошланган Бутуниттифоқ халқ ҳашарида иштирок этишга биринчилардан бўлиб азму қарор бердилар.**

**Ҳикоямиз шу ҳақда.**

### АРИЗА

БИРИНЧИ Советлар ватани — Ивановога дастлабки сафарим вақтида ажиб ҳужжат билан танишишга тўғри келди: Унда: «Мени совет пахтачилигини ривожлантиришда деҳқонларга ёрдам кўрсатиш учун Ўрта Осиёга юборишингизни сўрайман» деган сўзлар ёзилганди. Бу, тарихий — 1929 йилга оид ҳужжат. Ҳикоя қилишларича, ўша йили бундай аризалар маҳаллий партия, совет ташкилотларига кўплаб тушган. 1930 йили чигит экиш ва пахта териш мавсумида Иваново-Вознесенскийдан Ўзбекистонга 900 нафар киши етиб келди.

Яна бир воқеа. Иваново областининг Фурманов районида, катта йўл ёқасида «Красний пахарь» колхози бўлгувчи эди. Чорак аср мобайнида Олег Смирнов шу хўжаликда бульдозерчи бўлиб ишлади. Неча йил ишлаган бўлса, шунча марта бошқа жойга ишга кетишга тараддудланди. Сабаб? Сабаби — ҳалол, меҳнаткаш бу киши янги техника етишмаслиги, ҳаёт тарзининг бир хиллиги, мавсумлар орасидаги бекорчиликлардан зерикарди. Кўплар қишлоқни тарк этишди.

Энди Олег Смирнов муқим яшаб қолишга аҳд қилганини баралла изҳор этди. Чунки... ночор аҳволга тушиб қолган колхоз ўрнида республикамиз вакиллари янги замонавий хўжалик — «Ўзбекистон» совхозини бунёд этдилар. Катта ҳажмда мелиорациялаш ишлари бажарилди. Ерлар кенгайди, серҳосил бўлиб қолди, чорвачилик юксалиш босқичига кирди. Замонавий посёлка жамол кўрсатди. Унда ҳамма қулайликлар муҳайё. Мактаб, боғча, поликлиника, Шарқ меъморчилик услубидаги «Баҳор» ошхона-чойхонаси аҳоли хизматида. Ўтган йили совхоз биринчи марта планни бажарди. Чорва қишлови учун етиб ортгулик пичан ва бошқа озуқа жамғарилди. Сабзавот, ғалла, гўшт етиштириш топшириқлари зиёда адо этилди. Ҳафта ўн кунда ҳовли тўйлари бўлиб турибди.

### ТАВСИЯНОМА

ПОЛА. Қишлоқнинг номи бу. Улуғ Ватан уруши даврида немис-фашист танклари мажақлаб ўтган қишлоқларимиздан бири. Ўзбекистонликлар бу ерда «Дружба» совхозини тиклаяптилар.

Юртдошларимиз Полага Ноқоратупроқни ўзлаштириш ҳаракати бошланган дастлабки кунлардаёқ етиб келишган. Сабзавотчилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган йирик хўжалик учун янги экин майдонлари очиб беришди. Ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар тезкорлик билан қурилмоқда. Ўзбекистонда ўз касбини эъзозлаган тажрибали кишилар Ноқоратупроқ ўлкага юбориш учун танланаётганида:

— Мени ҳам қисқароқ муддатга йўлласангиз, — дея мурожаат қилиб қолди механизатор Эркин Иброҳимов. Унга оқ йўл тилашди — командировка йўлланмаси беришди.

Қўқондан йўлга чиққан Эркин Парфино районига етиб боргач, ишлаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўйди. Буталарни чапдастлик билан кесиш, майдонларни текислашнинг ҳаддини олди. Машина қудратидан самарали фойдаланиш намуналарини кўрсатди. Совхознинг марказий қўрғони қурила бошлаганда ер текислаш ишларини сифатли бажарди. Ўшанда — 1979 йилдаёқ илғорликни эгаллаган Эркин ҳозир ҳам пешқадам, жамоат ишларида фаол.

Эркин Иброҳимовнинг ҳаётида қувончли воқеалар содир бўлди. Командировка унинг учун бемуддат бўлиб қолди. Қўқондан оиласини кўчириб келди. Янги уйга кўчиб кирди. Учинчи қизи туғилгани ҳақидаги гувоҳномани шу ерда олди. Турмуш ўртоғи Нурхон бошқарманинг уй-жой-коммунал бўлими мудири бўлиб ишлаяпти.

Бульдозерчи Эркин Иброҳимов Ленин партияси сафига қабул қилинди. Тавсияномаларни мусобақалашиб ишлаётган дўстлари, ҳамкасблари — «Узпарфиноводстрой» қурилиш ишлари бошқармасининг коммунистлари беришди.

### МУКОФОТ

ЎСИҚ қора қошлари, жингалак сочлари қорачадан келган қоматига қоматига улуғворлик бахш этиб турган Турсунпўлатни Новгород областида танимаган одам кам.

Партиямизнинг мамлакат шимолий бўз ерлари қиёфасини ўзлаштиришга кўмак беришга қилган даъватига биринчилар қатори «лаббай» дея жавоб берган Турсунпўлат меҳнат фаолиятини оддий ишчиликдан бошлади. Механизаторликка ўқиб, гувоҳнома олди. Шахт билан меҳнат қилди. Механизаторлар бригадасига раҳбар этиб тайинлашди. «Узновгородводстрой» трестининг «Тошкент—1» колоннаси коммунистлари уни ўз сафларига қабул қилдилар. Бригадада ишни тартибли ташкил қила олди. Тажрибали кишилар, мутахассислардан кўп ўрганди.

Комплекс механизациялашган бригада коллективи смена давомида 1000 метрга етказиб ёпиқ зовурлар барпо этмоқда. Бу, қарийб икки гектар ер ўзлаштириш билан баравар.

Бахтини ҳам шу ўлкада топди. Москвада тикув мутахассислиги техникумини тугатиб Новгородга ишга келган мовий кўз Таня Турсунпўлатга умр йўлдоши бўлиб қолди. Таня қанчалик чевар бўлса, уй юмушларида ҳам шунчалик чаққон. Отпускаларида катта уйга — Наманганга — Янгиқўрғон район Бекобод қишлоғига келиб туришади.

Меҳнатлари маънавий-моддий жиҳатдан тақдирланган киши ишида барака бўлаверади. Бир гуруҳ ҳамюртлари қатори Турсунпўлат Расулов ҳам яқинда «РСФСР Ноқоратупроқ ўлкасини ўзлаштирганлик учун» медали билан мукофотланди. Мукофот унинг довруғини яна ҳам оширди.

**Ж. ХОЛҚОСИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

